
“Солиқчи - кўмакчи” тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон туман солик инспекцияси бошлиғининг ҳисботи

2023 йил 1 январдан бошлаб солик қонунчилигига қатор ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, айланмадан олинадиган солик ставкалари солик тўловчиларнинг барча тоифалари учун 4% миқдоридаги ягона ставкани белгилаган ҳолда бирхиллаштирилди. Бундан ташқари, 2023 йил 1 январдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммада тўлаш тартиби жорий этилди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тартиб бўйича солик тўлаш ихтиёрий ҳисобланади.

Ушбу тартибни танлаш тадбиркорлик субектлари учун қуидаги енгилликларни яратиб беради:

- Солик органларига молиявий ҳисботлар ва айланмадан олинадиган солик ҳисботини тақдим этиш мажбурияти юзага келмайди;
- банк ҳисоб варағидан дивиденд тарзида ечиб олинадиган маблағлар солиқقا тортилмайди;
- товарлар ҳисобини юритиш талаб этилмайди.

Таъкидлаш жоиз, айни пайтда Президентимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-куватланмоқда. Бинобарин, Ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам кўйишлари, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, доимий иш билан ҳамда муносиб даромад олишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида “Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони(ПФ-61-сон, 26.04.2023 й.) қабул қилинди. Фармонга кўра, тадбиркорларнинг 2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солик суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилиши белгиланди.

Бунда, ижтимоий солик суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилади. Албатта, қийинчиликларга учраган тадбиркорларга солик хизмати органлари “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида хизмат кўрсатишни давом эттирадилар.

Таъкидлаш жоиз, айни кунларда Ўзбекистон туман солик инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорлар билан турли очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Хусусан, 2023 йил апрел ойида давомида Ўзбекистон туман солик инспекцияси томонидан 152 та тадбиркорлик субектларини қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 41 та тадбиркорлик субектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солик

режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари бундан буён ҳам, албатта, Президентимиз белгилаб берганларидек, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттирамиз.

Улуғбек Фозилов

Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

2023-05-23 09:51:24